НУТУБХОНАСИ
ТАШКИЛОТЛАР ИНСТИТУТИ

2006 ЙИЛ, 29 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 125 (10.682)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида «Буюк Ипак йўли: анъана ва маданият» мавзуида либослар кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазма Корея Республикасининг юртимиздаги элчихонаси, Корея мода дизайнерлари уюшмаси томонидан Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кўмагида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон, Жанубий Корея, Туркия, Озарбойжон модельер-дизайнерларининг 50 га яқин миллий либослари намойиш этилмоқда.

● Фарғоналик ғаллакорлар водий вилоятлари ичида биринчи бўлиб ғалла тайёрлаш шартнома-режасини ортиғи билан бажардилар. Дон қабул қилиш пунктларига 279 минг тоннадан зиёд ҳосил топширилди. Бу буғдой уруғи сепилган ернинг ҳар гектари ҳисобига салкам 47 центнерданга тўғри келиши билан бирга, ўтган йили эришилган натижадан 16 минг тоннага кўпдир.

● Самарқанд туманида жойлашган «Агромир» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида ҳар йили 47 минг тонна мева ва сабзавотлар қайта ишланади. Яқингача бу ерда мева ва сабзавотлар ярим тайёр ҳолда экспортга чиқарилган бўлса, цехларга замонавий технологиялар ўрнатилгандан сўнг хом ашёни тўлалигича қайта ишлаш имконияти пайдо бўлди. Ҳозирда бу ерда маҳсулот сифати компьютер бошқаруви ёрдамида назорат қилинади.

● Бокуда ниҳоясига етган эркин кураш бўйича олтин Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнирда юртимиз полвонлари муваффақиятли иштирок этиб, иккита олтин медални қўлга киритдилар.

● Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари жамиятлари кенгашида «Россия — ўзбекистонлик рассомлар нигоҳида» номли тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси бўлиб ўтди.

● «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, республика кино фонди давлат корхонаси ҳамда «Samander cinema» масъулияти чекланган жамияти ҳаммуассислигида «Фильм S» бадиий безакли ахборот-тижорат журнали қайта ташкил этилди. Шу муносабат билан Киночилар уйида журнал тақдимоти ўтказилди.

● Нукусда «Қудратимиз — дўстлик ва ҳамжиҳатликда» шиори остида фестиваль ўтказилди. Унда Қорақалпоғистонда фаолият юритаётган рус, қозоқ, украин ва туркман миллий-маданий марказлари фаоллари, жамоатчилик вакиллари, зиёлилар ҳамда талабалар иштирок этди.

● Самарқанд вилоятида «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ўтказилди. Унда 755 та ташкилот ва корхоналар 4252 та иш ўринлари билан қатнашди. Шу куннинг ўзида 2239 нафар киши иш билан таъминланди. Шунингдек, 9951 нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

● Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят театрида ижодкор ёшлар ўртасида «Ниҳол» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

ЖАҲОНДА

● Украина Олий радасидаги «рангли» коалиция мамлакат ҳукумати ва парламенти раҳбарлигига номзодларни тасдиқлади. Бош вазир лавозимига БЮТ етакчиси Юлия Тимошенко, Украина парламенти спикери лавозимига «Наша Украина» вакили Пётр Порошенко кўрсатилди. Эртага ушбу номзодлар парламент аъзолари томонидан тасдиқланиши лозим.

● Исроилнинг ЦАХАЛ махсус қўшинлари томонидан Газо секторида олиб борилаётган амалиётларга 3 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчи ва юзлаб оғир зирҳли техника жалб қилинди. Кеча Исроил армияси бутун минтақани ўз назорати остига олди. Ушбу ҳарбий амалиётлар 25 июнда фаластинлик террорчилар томонидан исроиллик ҳарбий Гилад Шалитнинг гаровга олинганидан сўнг бошланди.

● Подмосковьенинг Калуга шоссесида кеча эрталаб соат бешдан эллик дақиқа ўтганида йўловчи автобус қарама-қарши томонга чиқиб ағдарилиб кетди. Натижада олти киши ҳаётдан кўз юмди, 16 йўловчи турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ҳозирда ҳодиса сабабларини аниқлаш ҳаракатлари кетмоқда.

● Ироқ раҳбарияти Бағдод яқинида жойлашган «Абу-Грейб» қамоқхонасидан 450 нафар маҳбусни озодликка чиқарди. Ушбу ҳаракат мамлакат Бош вазири Нурий ал-Маликий томонидан Ироқда тинчлик ва тартиб ўрнатиш мақсадида ишлаб чиқилган миллий ярашув дастури доирасида амалга оширилди. Таъкидланишича, Ироқ миллий хавфсизлик маслаҳатчиси Муваффақ ал-Рубойи озод этилганларнинг бирортасига ҳам айблов эълон қилинмаганлигини айтган.

● НАСА мутахассислари «Хаббл» орбитал телескопи камерасининг электр таъминоти тизимида юзага келган носозликларни тўғрилашга ҳаракат қилмоқдалар. Гап шундаки, телескопдан электр тармоғидаги қувват белгиланган доирадан ташқарига чиққанлиги ва бу камера ишининг тўхташига олиб келганлиги тўғрисидаги маълумотлар олинган. Ҳозирда камера умумий электр тармоғидан ўчирилган. Телескопнинг бошқа илмий анжомлари одатий тартибда ўз ишини давом эттирмоқда.

УКРАИНАДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ

СИМФЕРОПОЛДАГИ ҚРИМ ДАВЛАТ МУҲАНДИСЛИК–ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Маросим иштирокчилари – университет ўқитувчи ва талабалари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари юртимиз раҳбарининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларнинг бориши, мамлакатимизда ўзбек халқининг маданий меросини қайта тиклаш ва асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида билдирган фикрлари билан танишдилар.

Республикамизда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Украинада хизмат кўрсатган халқ таълими ишчиси, университет ректори Февзи Ёқубов ўз чиқишида Ўзбекистон Президенти асарининг аҳамияти ва долзарблигини юқори баҳолади. Унинг фикрича, асар замонавий Ўзбекистон ҳаётининг барча жиҳатларига алоқадор бўлган саволларга тўлиқ жавоб беради, баъзи оммавий ахборот воситаларидаги турли уйдирмаларни қатъий равишда рад этади.

Тақдимот иштирокчиларига Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ, халқ таълими ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида тўлиқ ахборот берилди.

«Жаҳон» АА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА 28 ИЮНЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ, ЖАЗОИР ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ, ФАЛАСТИН ВА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИЛАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНГАН – НОДИЯ ИБРОҲИМ КАФФОФИЙ, МУҲАММАД БЕРРАХ, АСАД МУНИМ АЛ-АСАД ВА АСҚАР МИРЗААҲМЕТОВ ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ТОПШИРДИ.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан элчиларни қутлади, юртимизда бошлаётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Миср халқаро муносабатлар тизимида, айниқса, араб дунёси ва мусулмон оламидаги жараёнларда муҳим ўрин тутувчи мамлакатлардан саналади. Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатларда халқаро ташкилотлар доирасидаги, шунингдек, терроризм ва диний экстремизм, гиёванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш борасидаги ҳамкорлик устувор аҳамиятга эга. Иқтисодий ҳамкорлик алоқаларнинг муҳим жиҳатларидан биридир. 2005 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2004 йилдагига нисбатан 9,6 баробар ўсиб, 5,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

— Мамлакатларимиз ва халқларимизни кўпгина муштарак жиҳатлар бирбирига боғлаб туради, — деди Нодия ҳоним. — Менинг элчи сифатидаги асосий вазифам икки томонлама муносабатларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшишдир. Ўзбекистон ва Жазоирда ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш ва кенгайтириш учун катта имкониятлар бор. Мавжуд салоҳият яхши ўрганилмагани сабабли улардан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Алоқаларнинг тикланиши ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

Муҳаммад Беррах Президентимизга ишонч ёрлиғини топширар экан, фаолияти даврида сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантириш масалаларига, айниқса, сиёсий маслаҳатлашувларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратишини маълум қилди.

— Жуғрофий жиҳатдан бир-биридан анча узоқда жойлашган мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ишига ҳисса қўшиш мен учун катта шарафдир, — деди элчи.

Ислом Каримов Фаластин элчиси билан суҳбатда Ўзбекистон Фаластин халқи тинч йўл билан ўз мустақил давлатини барпо этиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришига ишонч билан қарашини ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар, аввало, БМТ доирасида ушбу масала бўйича фаластинликлар позициясини қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари ўртасида бевосита алоқа ўрнатиш икки мамлакат манфаатларига мосдир. 2005 йилда савдо-саноат палаталари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисида битим имзоланган бу йўналишдаги муҳим қадам бўлди.

Фаластин элчиси ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш ва савдо- иқтисодий ҳамкорлик кўламини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

— Маданий муштараклик халқларимизни яқинлаштиради, - деди элчи. — Ўзбекистон олий ўқув юртларида юзлаб фаластинликлар таҳсил олган. Икки халқ маданиятининг уйғунлашуви умумий қадриятларни юзага чиқаради. Бу қадриятлар эса ҳамкорлик пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари ўртасидаги алоқалар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Бугунги кунда давлатларимизнинг ўзаро муносабатлари азалий алоқалар ва яхши қўшничилик анъаналари асосида янги мазмун билан бойиб бормоқда. 2005 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳажми 2004 йилга нисбатан 21,3 фоиз ошиб, 516,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Айниқса, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг шу йил март ойидаги Ўзбекистонга давлат ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар, жумладан, икки мамлакат раҳбарлари шафеълигида Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашни тузиш борасидаги келишув ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очиб беради. Бундан ташқари, Ўзбекистон билан Қозоғистон минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

— Қозоғистон ташқи сиёсатида Ўзбекистон билан муносабатларга катта аҳамият берилади, — деди А.Мирзаахметов. —Абадий дўстлик ҳақидаги шартнома имзоланган, давлат чегараларининг делимитацияси борасида Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистон ва Қозоғистон келишувга эришгани ўзаро ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб бораётгани ҳақида яққол тасаввур беради. Давлатларимиз минтақавий хавфсизликни таъминлашда ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

ЎзА

Республика Бош прокуратурасида

ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонлари ва ҳукумат қарорларига мувофиқ таълим муассасаларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш ҳамда ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг моддий шароитларини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар аҳволи муҳокама қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров бошқарди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда 959 академик лицей ва касб-ҳунар коллежида 897 минг 319 нафар, 9 минг 748 умумтаълим мактабида 5 миллион 926 минг 860 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Ҳукуматимиз томонидан ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан коллеж ва лицейларга 1998-2005 йилларда 62,8 миллиард сўмлик замонавий ўқув жиҳозлари етказиб берилган. Хорижий инвестиция ва грант маблағлари ҳисобидан 369 академик лицей ва касб- ҳунар коллежи 119 миллион АҚШ доллари миқдоридаги энг замонавий ўқув- лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси билан таъминланган.

(Давоми 2-бетда)

15 MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ O'ZBEKISTON

Мустақиллик иншоотлари

ПОЙТАХТИМИЗДА ЯНА БИР САЛОБАТЛИ ИНШООТ ТЕЗКОРЛИК БИЛАН ҚАД РОСТЛАМОҚДА, БИЛИМ ОЛИШ ИСТАГИДА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАРГА ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ ЯРАТУВЧИ УШБУ БИНО ЛОМОНОСОВ НОМЛИ МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ФИЛИАЛИДИР.

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар



ТАЛАБАЛАРГА АЖОЙИБ СОВҒА

Бунёдкорлик ишлари қизғин олиб борилаётган ушбу ўқув маскани қурилишининг бош пудратчиси «12-трест» акциядорлик жамиятининг 65-қурилиш бошқармаси ҳисобланиб бино Академик лицейлар қурилиши республика инжиниринг компанияси буюртмаси асосида қурилмоқда. Бугунги кунда қурилиш майдонида бўлсангиз, вақтдан унумли фойдаланиб ёзнинг жазирамасини ҳам писанд қилмай меҳнат қилаётган 400 нафардан зиёд бунёдкорнинг ғайрат-шижоатига, қисқа давр мобайнида бажарилган қурилиш-тиклаш ва пардозлаш ишларининг кўламига гувоҳ бўласиз. Кетма-кет келтирилаётган қурилиш ашёлари, керакли техника ва механизмлар қувватидан унумли фойдаланиш сифат ва самарадорлик гарови бўлмоқда.



— Ушбу масъулиятли бино қурилишини олиб борар эканмиз, — дейди 65-қурилиш бошқармаси бошлиғи Мурод Маликов, — ҳар бир бунёдкоримиз сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Уларнинг ҳаммаси қурилишда тобланган, касби сир-асрорларини пухта ўзлаштирган бунёдкорлардир. Ўтган йили пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмини ёшартиришга муносиб ҳисса қўшиб, замонавий поликлиника, «Чорсу» бозорига чирой ва файз бахш этган катта фаввора қурилишларида фаоллик кўрсатдик. Жорий йилда ҳам касб байрамимиз ҳамда Истиқлол айёмини муносиб кутиб олиш ҳаракатидамиз. Насиб этса қурувчиларимиз томонидан бунёд этилаётган Тошкент тиббиёт академик лицейи, унинг ёнида жойлашган катта спорт мажмуасини байрамлар арафасида қуриб битказиш ниятидамиз. Бунинг учун эса имкониятни ишга солиб, вақтдан унумли фойдаланаяпмиз. Асосий мақсадимиз тез ва сифатли қуриш, сифат ва мустаҳкамликка эътибор қаратишдир. «ЎзЛИТТИ» лойиҳачилари билан ҳамкорликда ишламоқдамизки, бу, албатта бино кўрки ва яратилажак қулайликларда ўз аксини топади.

Бино хусусида батафсил тўхталадиган бўлсак, 6 та блокдан иборат бўлиб, 525 талабага мўлжалланган. «А» ҳамда «В» блокида ўқув хоналари жойлашса, «Е» блоки идора хоналари учун мўлжалланган. Шунингдек, 2 қаватли меҳмонхона ҳам қад ростламоқда. Катта спорт майдончаси, теннис корти ва волейбол майдончаси ўзига хос тарзда қурилиб, жиҳозланади.

Албатта, ўқув масканининг фойдаланишга топширилишида, лойиҳада кўзда тутилган барча ишларнинг кўнгилдагидек бажарилишида 65-қурилиш бошқармаси бунёдкорларига яқиндан кўмак бераётган ёрдамчи пудрат ташкилотлари ишчи-хизматчиларининг ҳам ўзига хос ўрнини таъкидламоқ лозим. Сантехника ишлари устаси — «Ўзсантехгазмонтаж» акциядорлик жамияти, электр ишларини бажарувчи «Ташэлектромонтаж» корхонаси, вентиляция юмушлари бўйича «Шамол» шўъба корхонаси, шунингдек, айни пайтда ички ва ташқи пардоз ишларини маромида олиб бораётган трестга қарашли 20-қурилиш бошқармаси сувоқчи, бўёқчи ва дарвозагорлари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан шуғулланувчи 3-қурилиш-таъмирлаш бошқармаси ҳам бунёдкорликка муносиб ҳисса қўшадилар.

— Қурилиш-тиклаш ишларини тезкорлик билан бажарар эканмиз, — дейди бошқарма бош муҳандиси Тоҳир Одилхўжаев, — бу борада 150 нафардан зиёд бунёдкорни бирлаштирган ғишт терувчилар, пайвандчилар, тикловчилар ҳамда комплекс бригадаларимиз аъзолари ғайратини таъкидлаш жуда ўринли. Айниқса, Олег Баранцов, Шароф Низомиддинов, Йўлдош Имомов, Зокир Самадов, Шуҳрат Шобилолов сингари бригада сардорлари ҳамжиҳатликка эътибор қаратиб, иш суръатини оширишмоқда.

Шаҳримизга чирой бўлиб, фарзандларимизнинг билим олиши учун имконият ва қулайлик яратадиган замонавий бино Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги шодиёнаси кунларида қурувчиларнинг ажойиб меҳнат туҳфаси бўлиши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: қурилиш майдонида иш қизғин олиб борилмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Тошкент марказий темир йўл вокзалида ёзги соғломлаштириш оромгоҳларидан ҳордиқ чиқариб қайтган қорақалпоғистонлик ўқувчилар ота-оналари бағрига қузатиб қўйилди.

● **КЕЧА** Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорликларида «Мумтоз наволар гулшани» давраси доирасида «Муҳаббат таронаси» мавзуида уюштирилган концерт томошалари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги ҳамда Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

● **БУГУН** Миробод туман ҳокимлигида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ёшлар иштирокида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида компьютер саводхонлиги курси машғулоти уюштирилди.

● **БУГУН** Учтепа туман ҳокимлигида маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раислари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида уюштирилган йиғилишда маҳалланинг жамият тараққиётидаги ўрни муҳокама қилинди.

● **БУГУН** Ҳамза туман ҳокимлигида хотин-қизларни иш билан таъминлашнинг устувор йўналишларига бағишлаб маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари иштирокида ўтказилган тадбир Ҳамза ҳамда Бектемир туман хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ЎТГАН** куни «Кўҳна Чўпон ота» маҳалласи ҳудудидаги «Учтепа» спорт мажмуасида «Гиёвандлик — аср вабоси» шиори остида болалар ўртасида шахмат-шашка мусобақалари ўтказилди.

● **КЕЧА** Абдулла Қаҳҳор номидаги маданият уйида «Осиё» фольклор гуруҳининг концерт томошаси бўлиб ўтди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Ислоҳотлар оқимида

ТАҲЛИЛЛАР НИМАНИ КЎРСАТМОҚДА?

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТИ ТОМОНИДАН РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАН 1948 ЙИЛГИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИДА, ШУНИНГДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА ҲАР БИР ИНСОННИНГ, ҲАР БИР ЎЗБЕКИСТОНЛИК ФУҚАРОНИНГ ЯШАШ, ЭРКИНЛИК, ШАХСИЙ ВА ТУРАР ЖОЙ ДАХЛСИЗЛИГИ ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУНИЙ МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИЛГАН.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой қонунчилиги меъёрларида фуқароларнинг нормал турар жойларда, меъёрий яшаш хоналарида истиқомат қилишлари лозимлиги белгилаб қўйилган.

Жумладан, Уй-жой кодексининг 128-моддасида «Уйлар, квартираларнинг мулкдорлари уйдан фойдаланишни, уни сақлашни, уйнинг умумий фойдаланишдаги объектларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартлари, лозим даражада санитария, ёнғинга қарши ва техник ҳолатда сақлаш учун, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадларда уй-жой мулкдорларининг ширкатини тузишлари мумкин»лиги кўрсатиб қўйилган.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида уй-жой коммунал хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш масаласини устувор вазифалардан бири сифатида қайд этди.

Маърузада уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги бошқарувни тубдан яхшилаш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМШ) мақомини, ташкилий ва молиявий мустақиллигини, фаолиятининг самарадорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилининг топшириғи ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигида 2006 йил 24 январда Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонунининг Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги ижросини ўрганишга бағишлаб ўтказилган йиғилишнинг 01-Б-243-сон баённомаси кўрсатмаларига амал қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий вакиллиги томонидан 10 та ишчи гуруҳи тузилиб, 2006 йил февраль-апрель ойларида шаҳарнинг 10 та туманларида уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти юзасидан мониторинг ўтказилди.

Мониторинг 2006 йилнинг февраль-апрель ойларида жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, шаҳар прокуратураси, Ички ишлар бош бошқармаси, касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, шаҳар «Маҳалла» жамғармаси, Адлия бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, вакилликнинг масъул шахслари ва шаҳар уй-жой мулкдорлари ширкатлари Уюшмаси ходимлари иштирокида ўтказилди.

Ўтказилган мониторингда, яъни уй-жой мулкдорлари ширкатларининг иш услубларини кўриб чиқиш ҳамда ўрганишда 30 дан ортиқ ширкатлар фаолияти таҳлил қилинди.

Масалан, «Файзли», «Истиқлол коммуналчи», «Адолат коммуналчи», «Адолат сари», «Раҳмон коммуналчи», «Тинчлик коммуналчи», «Сувчи сервис», «Хумо юлдузи» уй-жой мулкдорлари ширкатлари шулар жумласидандир.

Ширкатлар ишини ўрганишда асосан уларнинг фаолиятидан уй-жой мулкдорлари қониқмаётган, фуқароларнинг норозилик мурожаатлари ва илтимосномалари йўлланган ширкатлар иши танлаб олинди.

Масалан, Чилонзор тумани, 1, 2-даҳалардан фуқаролар С.Барташевич, А.Царегородцева, А.Макарова, Л.Каримовалар шикоятларига асосан «Тинчлик коммуналчи», Учтепа туманидан фуқаро Н.Исъянова шикоятига асосан «Боғобод», М.Улуғбек туманидан фуқаролар Л.Губарева, Р.Исмаилова, Т.Юлдашеваларнинг мурожаатлари асосида «Навбаҳор биринчи коммунал», «Тўлқин ота» ширкатлари ва шуларга ўхшаш бошқа ширкатлар фаолиятлари шикоятларда кўрсатилган таклифлар ва камчиликларни эътиборга олган ҳолда ўрганиб чиқилди.

Ширкатлар фаолиятларини ўрганиш жараёнида уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан сезиларли даражада ижобий ўзгаришлар амалга оширилганлиги аниқланди. Жумладан, Мирзо Улуғбек туманида ўтган 2005 йилда 1991 йилгача қурилган уйларни мукаммал таъмирлашга 340 миллион сўм пул сарфланиб, 103 та уй таъмирланган бўлса, 2006 йилдаги режада 400 миллион сўм ажратилиб 126 та уй таъмирланиши кўзда тутилган. Бунинг натижасида эса тумандаги 602 та 1991 йилгача қурилган кўп қаватли уйлардан 90 та уй 2007 йилга қолади.

Кўп қаватли уйларнинг йўлакларини таъмирлаш, йўлакларга темир эшиклар ўрнатиш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилган.

Масалан, Собир Раҳимов тумани бўйича ўтган 2005 йилда 641 та кўп қаватли уйларнинг 3224 та кириш йўлакларини ширкатларга биркитилган ҳомийлар ёрдамида тўлиқ таъмирланиб, режадаги 1600 та ўрнига 1610 та темир эшиклар ўрнатилди ва бу борадаги ишларни жорий йилда буткул тугаллаш кўзда тутилган.

Шайхонтоҳур туманида ҳам кўп қаватли уйлар атрофидаги майдонларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ёритиш ишлари бўйича ҳам аниқ чоратадбирлар амалга оширилган. Жумладан, «Хадра нур», «Эҳтиёт», «Лабзак коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкатларида жами 143 та ноқонуний қурилмалар йўқотилиб, ҳомийлар ёрдамида ўнлаб болалар майдончалари ташкил этилган.

Маҳалла қўмиталари билан уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасида аҳиллик билан биргаликда иш кўриш услублари ҳам жорий этилган.

Ўтказилган мониторинг давомида уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятларини ўрганиш жараёнида муваффақиятлар билан биргаликда баъзи бир камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди.

Жумладан, сўров ўтказилган 4000 кишидан ортиқ аҳолининг бир қисми ширкат йиғилишларидан ҳамда ширкат маблағларини қандай сарфланишидан ҳар доим ҳам хабардор эмаслигини билдиришган. Масалан, Ҳамза туманидаги «Порлоқ келажак» ширкатида «Бўладиган йиғилиш тўғрисида сиз қандай огоҳлантириласиз?», деган саволга 23 киши «умуман огоҳлантирилмаймиз» деб жавоб берган.

Бектемир туманидаги «Сувчи сервис» ширкатида сўралган аҳолининг 30 фоизи ширкат умумий йиғилишларидан бехабар эканликларини маълум қилишган.

Баъзи уй-жой мулкдорлари ҳанузгача боқимандалик кайфиятида бўлганликлари учун уларда ўз уй-жойига нисбатан масъулият ҳисси йўқ.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда коммунал ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятларининг етарли даражада бўлмаслигининг асосий сабабларидан бири, аҳолининг коммунал соҳа — газ, электр энергия, иссиқ сув, чиқинди, уй-жойлардан фойдаланишдан ниҳоятда кўп миқдорда қарздорлигидир, аҳолининг қарзлари шаҳар бўйича бир неча ўн миллиард сўмни ташкил этади.

Бундай аҳволнинг асосий сабабларидан бири эса, ҳанузгача коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг уй-жой мулкдорлари билан коммунал хизматлар кўрсатиш учун шартномалар тузмаётганликларидир.

Биргина Чилонзор туманида туман аҳолисининг коммунал тўловлар бўйича қарздорлиги 2006 йил апрель ойи ҳолатига 3 миллиард 797 миллион сўмни ташкил этади.

Шу билан бирга, қайд қилиш керакки, Бектемир туманидаги «Амодия» ва «Сувчи сервис» уй-жой мулкдорлари ширкатларида аҳолига ўз вақтида яхши хизмат кўрсатаётганликлари ҳамда аҳоли билан тушунтириш ишлари олиб бораётганликларининг натижаси ўлароқ фойдаланиш хизматлари учун тўловлар бўйича муаммолар бартараф қилинган.

Мониторинг натижасида эътиборни бир нарсага, яъни баъзи бир уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан аҳоли ўртасида муносабат олиб боришда камчиликлар мавжудлиги, ходим ва фуқароларнинг бир-бирига бўлган муносабати талабга жавоб бермаслиги, бир-бирларининг фикрларини эътиборга олмаётганликлари, ходимлар ўз фаолиятларини талаб даражасида бажармаётганликларига қаратиш лозим, бундай аҳвол иш фойдасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мониторинг ўтказиш натижасида шу нарса аниқландики, нотурар жой, яъни ижарага топширилган хоналар эгаларининг аксарият қисми уйни сақлаш бўйича масъулиятни ҳис этмайди. Таъмирлаш ишларида қатнашмайди. Ширкатга ҳеч қандай моддий ёрдам кўрсатмайди.

Масалан, Чилонзор тумани бўйича 12 та нотурар жой эгалари ширкатларга моддий ёрдам бериш ўрнига улардан 1,5 миллион сўм қарздирлар. Шундай аҳвол, яъни нотурар жой эгаларининг ҳеч қандай тадбирларда қатнашмаслиги ва қарздорлиги бошқа туманларда ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, мониторингда уй-жой мулкдорлари ширкатларида аҳолидан тушаётган мурожаатномаларни ҳисобга олиш ва қайд қилиш соҳасида ва зарур чора-тадбирларни кўришда ҳам камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Бундай ҳолат аҳолини шахсий қабул қилишда ҳам кузатилмоқда.

Ўтказилган тадбир натижасида шу нарса яна бир бор аниқландики, кўпчилик ҳолларда уй-жой мулкдорлари уйларини таъмирлаш, қайта қуришда ўзбошимчаликка йўл қўймоқдалар. Натижада, уйларнинг мустаҳкамлигига жиддий зарар етказилиб, фасадлари, яъни ташқи кўринишлари бузилмоқда. Муҳандислик тармоқларининг ўзгартирилиши натижасида қўни-қўшниларни безовта қилиш билан бирга, уларга кўплаб зарар етказилиб, назоратсиз, лойиҳага зид ишлар бажарилмоқда.

Бундай ўзбошимчаликларнинг оқибати жиддий салбий ҳолатларга олиб келиши муқаррарлигини унутмаслик лозим.

Ўтказилган мониторинг оқибатлари барча туманларда кенг жамоатчилик—маҳалла оқсоқоллари, ширкат бошқаруви раислари, ижрочи директорлар, ҳокимликлар ходимлари, ариза ва шикоятларнинг муаллифлари, тахминан 2000 киши иштирокида батафсил ёритилиб, жавобгар масъул шахслардан аниқланган камчиликларни бартараф қилиш талаб этилди.

Ҳар бир ҳокимиятда ўтказилган мониторинг натижалари юзасидан чоратадбирлар белгиланди.

Шоиноят ШОАБДУРАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили
(Омбудсман)нинг
Тошкент шаҳар
минтақавий вакили

Иқтисодиёт

ХАРИДОРЛАРНИ ЖАЛБ ЭТМОҚДА

ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ ХАРИДОРГИРЛИГИНИ ОШИРИШДА, АЛБАТТА УНИНГ ЧИРОЙЛИ ҚАДОҚЛАНИШИ ҲАМДА ЭЪТИБОРНИ ЖАЛБ ЭТАДИГАН ЁРЛИҚ ЁПИШТИРИЛИШИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Илгарилари ана шундай талаблар даражасидаги ёрлиқларни тайёрлаш учун хориж фирмаларига буюртма берилган бўлса, пойтахтимизда бундан бир неча йил олдин иш бошлаган «Колорфлекс» Ўзбекистон— Британия қўшма корхонаси бу борада имконият яратди. Албатта, корхона тадбиркорларининг изланишлари асосида юқори сифатли хом ашёдан тайёрланаётган ёпишқоқ ёрлиқлар буюртмачиларнинг талабини қондирибгина қолмай, балки товарлар рақобатбардошлигида муҳим аҳамият касб этиб харидорларни жалб этмоқда.

Корхона цехларида меҳнат қилаётган 56 нафар малакали мутахассислар Англия, Франция, Дания ва Канада давлатларидан келтириб ўрнатилган замонавий дастгоҳ ва ускуналар қувватидан унумли фойдаланмоқда. Буюртмачилар сафи ортиб борар экан, улар орасида «Ўзбексавдо», «Ўзмевасабзавотузумхолдинг», «Ёғмойтамакисаноат», «Ўзфармсаноат» компанияларига қарашли корхона ва ташкилотларни кўрсатиш лозим. Шунингдек, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар ҳам қўшма корхонада тайёрланаётган ранг-баранг ва сифатли, юқори дизайндаги ёпишқоқ ёрлиқлардан фойдаланишмоқда.

Буюртмаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Шуниси эътиборлики, корхонада тайёрланган ёрлиқларга қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Жорий йилда тадбиркорлар ўз маҳсулотларини Қозоғистонга экспорт қилишни режалашган.

СИФАТГА ЭЪТИБОР

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2006 ЙИЛ 5 ЯНВАРДАГИ «ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР ЎРТАСИДА КООПЕРАЦИЯНИ КЕНГАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ УЙДА ИШЛОВЧИ ЧЕВАР АЁЛЛАРИМИЗГА НИҲОЯТДА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА.

— Юртимизда тадбиркорликка жуда катта эътибор қаратилмоқда, — дейди «Жаннат люкс» кичик корхонаси раҳбари Матлуба Ибрагимова. — Мен ҳам ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланяпман. Аввалига хусусий тадбиркор сифатида фаолият кўрсатган бўлсам, ҳозирда бир қанча хотин-қизларни иш билан таъминладим. Айниқса, Президентимизнинг касаначиликка оид Фармони ривожланишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда пойтахтимиздаги корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда иш юритиб, буюртмага кўра болалар, аёллар ва эркаклар кийим-кечаклари, махсус кийим-бошлар тайёрлаяпмиз. Чеварларимиз имкониятига қараб буюртмаларни касаначилик асосида уйларида бажаришмоқда.

Чеварлар меҳнат фаолиятларида сифатга алоҳида эътибор қаратишмоқда, маҳсулот турларини орттиришмоқда. Бу эса буюртмалар кўпайишида, ишлаб чиқариш ривожида, моддий манфаатдорликда ҳам самара бермоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

Истеъмолчилар ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида

ТАЛАБ ВА ИСТАК

БУГУНГИ КУННИНГ ИСЛОҲОТЛАР ОҚИМИ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ЮКСАК БЎЛИШИ, ИСТЕЪМОЛЧИЛИК БОРАСИДАГИ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРДАН АТРОФЛИЧА ХАБАРДОР БЎЛИШИ ЗАРУРАТИНИ ЮЗАГА КЕЛТИРМОҚДА.

Қуйида сиз бу борадаги баъзи қонунбузарликлар ва уларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишасиз:

Чилонзор тумани, 15-мавзе, 1-уй, 93-хонадонда истиқомат қилувчи Ю.Рибалкин Навоий кўчасидаги савдо ярмаркасидан «LG» русумидаги компьютер мониторини 165000 сўмга харид қилади. Орадан кўп ўтмай мазкур мониторнинг яроқсизлиги маълум бўлади. Истеъмолчи томонидан дўкон маъмуриятига қилинган мурожаат натижасиз қолдирилади. Ҳозирда тегишли ташкилотнинг аралашуви билан етказилган моддий зарар истеъмолчи фойдасига ундирилди.

* * *

Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-4, 52-уй, 23-хонадонда яшовчи Г.Юлдашева «Деодара—маркет» савдо дўконидан 3400 сўмлик сосиска маҳсулотини харид қилади ва унинг истеъмолга яроқсизлиги аниқланди. Тегишли маъмуриятнинг ўрганишлари натижасида ушбу дўконда бундан ташқари 12 турдаги 175000 сўмлик яроқсиз истеъмол маҳсулотлари сотилаётганлиги аниқланди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида дўкон маъмурияти маъмурий жазога тортилиб, истеъмолчининг талаби қондирилди.

* * *

Юнусобод туманидаги А.Пўлат кўчасида яшовчи Ш. Акбаров Навоий кўчасидаги «Кафолат» савдо дўконидан «Nessi» русумидаги «тонометр» тиббиёт ускунасини 71000 сўмга харид қилади. Истеъмолчи томонидан мазкур ускуна ҳаракатга келтирилганида унинг мутлақо носозлиги аниқланади. Тегишли идоранинг аралашуви билан истеъмолчига етказилган моддий зарар ундириб берилди.

* * *

Миробод туманидаги Хонзодабегим кўчаси, 3-уй, 17-хонадонда истиқомат қилувчи У.Краснова Навоий кўчасидаги «Хадра—электроникс» савдо дўконидан «Салют» русумли кир ювиш машинасини 87000 сўмга сотиб олади. Дўкон маъмурияти истеъмолчига товарнинг иш кафолатини 1 йилгача дея кўрсатган эди. Бироқ «Салют»да 6 ой ўтар-ўтмас техник носозлик сезилди. Кўрилган чоралар натижасида 87.000 сўм истеъмолчи У.Красновага қайтариб берилди.

* * *

Шаҳримиздаги Байналмилал кўчаси, 25-уйда истиқомат қилувчи Х.Валиев «Новза» савдо дўконидан «А-215» музлатгичини 1 йиллик кафолат билан сотиб олади. Бироқ 8 ой ўтмасданоқ музлатгичнинг яроқсизлиги сезилган. Ҳозирда тегишли ташкилот аралашуви билан «А-215»музлатгичи истеъмолчи қўлига бепул таъмирлаб топширилган.

* * *

Юнусобод тумани, 19-даҳа, 50-уй, 1-хонадонда турувчи В.Устинов Навоий кўчасидаги савдо ярмаркасидан 100.000 сўмлик DVD телеплейерини харид қилади. Лекин сотиб олинган товар яроқсизлиги боис истеъмолчига хизмат кўрсата олмайди. Ҳозирда моддий зарар истеъмолчи фойдасига ҳал этилган.

* * *

Чилонзор тумани, 19-даҳа, 14-уй, 21-хонадонда яшовчи Е.Кравченконинг шикоятига кўра у «Отчопар» бозоридаги «КАФОЛАТ» дўконидан» «Скарлет» русумидаги чангютгични 85.000 сўмга харид қилганлиги таъкидланади. Аммо икки ҳафта ўтмасдан ишламай қолган чангютгичнинг баҳоси тегишли ташкилотнинг ёрдамида ундирилган.

* * *

Мирзо Улуғбек тумани, Хумоюн даҳаси, 8-уй, 5-хонадонда яшовчи Д.Шавкетов «NEMO» савдо дўконидан «Vetek» ошхона жиҳозини 175.000 сўмга сотиб олади. Кўп ўтмай сифатсиз эканлиги аниқланган «Vetek»нинг баҳоси учун тегишли маъмуриятдан моддий зарар истеъмолчи фойдасига ҳал этилган.

Хумоюн АЛИЕВ
тайёрлади

ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

(Давоми. Боши 1- бетда)

Мактабларга харид қилинадиган ўқув жиҳозлари бўйича кенг жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш мақсадида «ЎзЭкспоМарказ»да мактаб мебели, ўқув ва спорт анжомлари кўргазмаси ташкил этилди. Мактабларнинг спорт анжомлари ва ўқув- лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминоти 80 фоиз кўпайган. 2005 йилда 988 мактаб замонавий ўқув компьютер синфлари билан жиҳозланиб, уларнинг умумий сони бир минг 342 тага етказилган.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига қўшимча равишда 167 мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган, бу мақсадларга 10,8 миллиард сўм сарфланган. Болалар спорт иншоотларига зарур бўлган 120 номдаги спорт анжомларидан 104 турдагисининг республика корхоналарида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган. Ўтган йили 209 та болалар спорт иншоотларига 3,9 миллиард сўмлик спорт анжомлари етказиб берилди.

Шу билан бирга, жойларда бу борада муайян камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, Халқ таълими вазирлиги ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими Маркази томонидан таълим муассасаларида жиҳозларнинг ўрнатилиши ва ўқув жараёнида фойдаланилиши самарадорлиги мунтазам равишда ўрганиб борилмаган. Бюджет ҳамда хорижий кредитлар ҳисобидан 18 касб-ҳунар коллежига ва 20 мактабга берилган ўқув жиҳозлари белгиланган тартибда ўрнатилмаган ва ўқув жараёнида мақсадли фойдаланилмаган.

Айрим ҳолларда шартнома интизоми сусайтириб юборилгани, уни мустаҳкамлаш чоралари кўрилмаганига эътибор қаратилди. Замонавий фан кабинетлари жиҳозларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш учун ўқитувчиларнинг малакасини мунтазам юксалтириб боришни йўлга қўйиш зарурлиги уқтирилди. Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ТЕСТ СИНОВЛАРИ БЎЛАДИГАН КУН ТОБОРА ЯҚИНЛАШМОҚДА. ҚАНДАЙ ҚИЛИБ УЛАРДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТИШ МУМКИН?

Абитуриент — 2006

ТЕСТДАН ҚАНДАЙ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТИШ МУМКИН?

Асосийси — мактаб дастурида кўзда тутилган фанларни яхши билиш. Бироқ ҳар доим ҳам шунинг ўзи етарли бўлавермайди. Айрим битирувчиларнинг боши қаерга ўқишга кириш ва имтиҳонларни қандай топширишга оид саволлар билан қотган.

Олий ўқув юртлари таклиф этаётган турли мутахассисликлар орасидан зарурини танлаб олиш осон эмас. Шу боис абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари бу борадаги ўз имкониятларини синаб кўриши фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бунда илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлар маркази, «ИнтСофтСервис» МЧЖ тақдим этаётган хизмат — абитуриентларга олий ўқув юртларига киришда топшириладиган давлат имтиҳонлари тестлари кўл келиши табиий. Мазкур ташкилотлар йигит-қизларга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тақдим этган тестларни ахборот базаси асосида on-Line тартибида топшириб, www.ilm.uz сайтида ўз кучини синаб кўришни таклиф этмоқда.

www.ilm.uz ўзи нима? Унинг муаллифлари — марказнинг бўлим мудири Бахтиёр Мазгаров ва «ИнтСофтСервис» МЧЖ ижрочи директори Эрмат Қиёмов ЎзА мухбирига бу тизим олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларига тайёрлаш учун масофадан ўқитиш ва тест топширишга мўлжалланганлигини айтди.

Сайтда таълим соҳасидаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, электрон дарсликлар, маълумотномалар, фойдали ахборотлар, абитуриентларни кириш имтиҳонларига тайёрлаш учун тестдан ўтказиш тизими, турли фанлар бўйича танловлар, янгиликлар бор. Шунингдек, сиз таълим соҳасидаги веб-сайтлар ҳақида маълумотларни топишингиз мумкин.

«Абитуриентлар учун тестлар»дан қандай фойдаланиш мумкин? Бу — 1 августда олинадиган ҳақиқий кириш имтиҳонидаги каби 3 гуруҳда 36 тадан саволга бериладиган жавоблардир. «Фанлар бўйича тестлар» муайян фан бўйича 108 та саволдан иборат. Хуллас, сизни кириш имтиҳонидан олдин тестларни муваффақиятли топширишдан бор-йўғи уч қадам ажратиб туради. Бу қадамларнинг моҳияти нимада?

Сиз ишни, энг аввало, сайтда қийматига қараб бир ёки бир неча марта тест топшириш имконини берадиган махсус карточка сотиб олишдан бошланг. www.ilm.uz карточкаларини матбуот тарқатиш шохобчаларида, Интернет- кафеларда, тезкор тўлов карточкалари сотиладиган жойларда сотиб олиш мумкин.

Шундай қилиб, биринчи қадам: сайтда рўйхатдан ўтинг. «Фойдаланувчилар учун» бўлимида (юқоридаги ўнг бурчакда) «Рўйхатдан ўтиш» тугмачасини босинг. Иккинчи қадам: «Фойдаланувчилар учун» бўлимида рўйхатдан ўтганингиздан сўнг, ўзингиз танлаган логин ва паролни киритинг. Учинчи қадам: тизимга киргач, «Абитуриентлар учун тестлар» ёки «Фанлар бўйича тестлар» бўлимини танланг.

Масалан: «Абитуриентлар учун тестлар»ни танлагач, тегишли маълумотларни киритинг (карточканинг пин-коди). 1-кодга Пин-коднинг биринчи 8 та рақамини, 2-кодга қолган олтита рақамни киритинг. Кейин «Бошлаш» тугмасини босинг.

Бунинг учун ўзингиз кирмоқчи бўлган олий ўқув юртини танланг, «Давом этиш» тугмасини босинг, сўнг мутахассисликни танланг. Сиз танлаган мутахассислик бўйича 3 та имтиҳон фани пайдо бўлади. «Бошлаш» тугмасини босинг. Имтиҳон учун 3 соат берилади. Юқоридаги чап бурчакда вақт ҳисоблаб борилади. Ана шу ҳисобкитоб ёрдамида сиз имтиҳонни топшириш учун қанча вақт сарфлаганингизни билиб турасиз. Фанлар ва саволлар ихтиёрий.

Тегишли гуруҳ саволларига жавоб бериб бўлгач, «Тестни тугатиш» тугмасини босинг ва кейинги гуруҳга ўтинг. 108 та саволга жавоб бериб, тестни тамомлагач, тўпланган баллингизни ҳамда сиз тўпланган балларнинг қиёсий диаграммаси ва охирги 5 йилдаги ўтиш балларини билиб оласиз. Сайтда «Абитуриентлар учун тестлар» ва «Фанлар бўйича тестлар» бўлимларидан бошқа барча хизматлар бепул.

Бу абитуриентларга сайтдаги тест синовларидан ўтиш орқали олий ўқув юртларига киришдан олдин ўз имкониятини синаб кўриш имконини беради. Сайтда тест топшириб орттирилган тажриба абитуриентга имтиҳонда ўз вақтини тўғри тақсимлаш ҳамда муайян фан бўйича саволларга жавоб беришда ютуқ ва камчиликларни аниқлаш имконини беради. Бошқача айтганда, абитуриентнинг ҳақиқий кириш имтиҳонини топшириш борасидаги имконияти ошади.

ЎзА мухбири
Виктор НИКОЛАЕВ
ёзиб олди.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг саҳифаси

БОЛА КУЛСА ОЛАМ ЧАРОҒОН

МЕҲНАТКАШЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИДИР. ЖУМЛАДАН, САВДО, МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР КАСАБА УЮШМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ТОМОНИДАН БУ БОРАДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР КЕНГ КЎЛАМЛИДИР. АЙТИШ ЖОИЗКИ, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БЕШ ОЙИ МОБАЙНИДА 150 НАФАР ХОДИМ САНАТОРИЙЛАРДА СОҒЛИҚЛАРИНИ ТИКЛАДИЛАР. МИТРОФАНОВ НОМИДАГИ СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУИДА 1804 ДОНА ЧИПТА БИЛАН ХОДИМЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИЛДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ 2500 ДАН ОРТИҚ ЧИПТАНИ ТАРҚАТИБ, ХОДИМЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА.

Болалар — бизнинг келажагимиз. Сергели тумани ҳудудидаги "Арт Шоу парки"да махсус мактаб ҳамда махсус-интернатларнинг тарбияланувчилари, қўшни маҳаллаларнинг болалари, тармоқ меҳнаткашлари фарзандларидан иборат 1400 нафар болалар анъанавий байрам тадбирида фаол иштирок этдилар.

"Карвон Холдинг" ассоциацияси ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан ташкил этилган, Ўзбекистон махсус Олимпиада жамоатчилик бирлашмаси билан ҳамкорликда ўтказилган анъанавий маданий-спорт тадбири барча иштирокчилар, қўшни маҳаллалардан келган болалар, уларнинг ота-оналарида яхши таассурот қолдирди.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, махсус мактаб ва махсус интернат ўқувчиларига хайрия ёрдамлари кўрсатилди. Файзли байрам дастурхонига, миллий таом — ош тортилиб, азиз болалар тадбир меҳмони бўлдилар.



Таэквандо, Турон яккакурашчиларининг кўргазмали чиқишлари, Тошкент эстрада-цирк коллежи талабалари тайёрлаган маданий дастур иштирокчилар томонидан завқ-шавқ, мамнуният билан кутиб олинди. Шашка, стол тенниси, енгил атлетика бўйича ўтказилган бахсларда ғолиб ҳамда совриндорлар аниқланиб, эсдалик совғалари тақдим этилди. Тошкент шаҳар маданият уйлари бадиий жамоаларининг санъаткорлари томонидан тайёрланган концерт дастури байрамга файз-тароват бағишлади.

Болаларни ёзги мавсумда соғломлаштириш тармоқ ходимлари касаба уюшмаси шаҳар Кенгашининг диққат-эътиборида бўлиб, Тошкент вилоятининг сўлим табиат гўшаларида жойлашган оромгоҳларда тармоқ меҳнат аҳлининг фарзандлари имтиёзли ҳамда кам таъминланган ходимларнинг болалари бепул йўлланмалар орқали дам оладилар. Ушбу мавсумда жами бўлиб 1000 нафар болалар дам олиб соғлиқларини мустаҳкамлашлари режалаштирилган. Эзгу мақсадни, белгиланган вазифаларни сидқидилдан амалга ошириш йўлида куч-ғайратимизни асло аямаймиз.

Зиёдулла ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси

ӨЗ-ӨЗИ ЎРГАНИШ ДОНО БЎЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҚАРИ ШЕР ҲИКОЯТИ

Бир шер ёшлик ва пурқувватлик вақтида ҳеч бир жониворни менсимай, уларга доимо ғазабини сочиб, ситам қиларди. У қариган пайтда шундай заиф ва озғин ҳолга тушдики, ўрмондаги жониворларнинг баъзиси беадаблик қилиб, баъзиси ўч олиш мақсадида шерга ҳужум қилишар, уни қийнашар, аммо шерда улардан ўзини қутқариш учун заррача мажол йўқ эди. Айниқса, ҳайвонлар орасидаги эшакнинг шатта отиб ҳар куни уни ғамгин ҳолга соларди.

Ҳаётда ҳар кимса ўз ўрнини ва қадру қийматини билмоғи, шунга яраша одамлар орасида ҳам ўз ёшига ва ишига мос феълу ҳаракат қилмоғи лозим. Чунки бировнинг феълу ҳаракати, тутаётган иши ўзига ярашиб турса ҳам, ўзга киши томонидан такрорланса номақбул кўринади. Бу ҳақда қуйидаги ҳикоятни келтирадилар.

ЭШАК ВА ЎЙНОҚИ ИТ ҲИКОЯТИ

Бир кишининг ўйноқи ити бўлиб, бу итнинг ўйинидан хожаси ҳушвақт бўлар эди. Хожанинг уйида бир эшаги ҳам бўлиб, итнинг ўйинини кўраркан ўзича: «Хожам негадир мени севмайди, агар мен ҳам итга ўхшаб ўйнасам, хожамни хурсанд қилган бўламан», деди. У шу хаёл билан хожа олдига келиб сакрай бошлади. Хожа ўйноқи ит билан эшак орасида фарқ борлигини кўрсатиб қўйиш учун эшакни калтак билан савалай кетди.

Дунёда каттаю кичикнинг иши бир-бирига боғлиқдир. Уларнинг ўзаро ёрдами ва иттифоқидан яхши ишлар ҳосил бўлади. Душманлигидан эса, душманлик юз беради. Қисқа қилиб айтганда, «яхшиликка яхшилик»дир. Бу ҳақда қуйидаги ҳикоятни келтирадилар.

ШЕР ВА СИЧҚОН ҲИКОЯТИ

Оқ қалбли шер бир куни сичқонга яхшилик қилган эди. Орадан бир неча кунлар ўтиб, шер тасодифан домга тушиб қолди. Шернинг яхшилигини эсидан чиқармаган тезфаҳм сичқон ўткир тишлари билан дом тугунларини қирқиб, ўз нажоткорини домдан халос қилди.

Дўст билан душманни фарқламай, душманга ишонч билдириш оқибати фалокатдир. Бу ҳақда қуйидаги ҳикоят машҳурдир.

ҚИРҒИЙ, БУРГУТ ВА КАБУТАРЛАР ҲИКОЯТИ

Нақл қилишларича, қадимий айёмларда кабутарлар тўдаси қирғий жабридан жонлари томоққа келиб, бургутни посбонликка тайин қилдилар. Бургут бу касбга мушарраф бўлгач, кабутарларни қўриқлаш ўрнига қиришга тушди. Натижада қирғий икки ойда қиладиган ишни бургут икки кунда қилиб тугатди.

Бирор киши лаганбардорлик қилиб, ширин ва ёқимли сўзлар айтса, совғалар берса ёки туҳфалар юборса, ундай кишидан шубҳаланмоқ лозим. Бу ҳақда қуйидаги ҳикоятни келтирадилар.

ИТ ВА ЎҒРИ ҲИКОЯТИ

Бир гуруҳ ўғрилар бир кишининг уйини урмоқчи бўлдилар. Уй хожасининг ити бу ҳолни пайқаб, шовқин-тўполон кўтарди. Ўғрилардан бири итни тинчитиш учун бир бурда нонни унинг олдига ташлади. Ит ўзича ўйлаб: «Бир бурда ноннинг роҳатини деб, ўз хожамга хиёнат қилмайман ва бир умрлик озодлигимни кўкка совурмайман!» деди.

Қариб куч-қувватдан қолган содиқ ходим ва хизматчиларни таққирлаш ва уларни менсимаслик қалтафаҳм кишиларнинг ишидир. Чунончи, бу ҳақда қуйидаги икки ҳикоятни келтирадилар.

ЭШАК ВА БЕРАҲМ ХОЖА ҲИКОЯТИ

Ёшлик ва бақувватлик даврида кўп юкларни ташиб, ҳалол хизмат қилган бир эшак қариб кучдан қолган эди. Иттифоқо, бир куни оғир юк остида қийналиб, ётиб қолди. Хожанинг жаҳли чиқиб, уни тинимсиз саваларди. Эшак ўзича деди: «Афсуски, ҳаётни чуқур билмайдиган кишининг иши доимо шундай, сенда битта хато содир бўлса, бир умрлик хизматингни йўққа чиқаради».

ҚАРИ ИТ ВА У ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯТ

Бир қари ит ёшлик даврида хожасига яхши хизмат қилар, ов майдонида елиб-югуриб, таҳсинга сазовор меҳнат қилар эди. Қаригач, унинг кучи ҳам чаққонлигига путур етди. Хожаси унга таъна тошини отиб, урарди. Бир куни уни уйдан қувиб чиқараётган пайтида ит хожасига қараб деди: «Эй хожам, менинг сенга бўлган ҳурматим ва содиқлигим аввал қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундайдир. Бироқ, қариб панжаларимда куч қолмади. Агар заифлигимни айб ҳисобласанг, ундан кўра бўғиб ўлдира қол!»

Борига қаноат қилмоқ оқиллар ишидир. Баъзи нокас кишилар керагидан ортиқча топиш учун ўзини ўтга-чўққа уриб, беш бармоғини оғзига тиқадилар. Бундай кишилар ҳақида қуйидаги ҳикоят машҳурдир.

ЭШАК, МАЙМУН ВА КЎРСИЧҚОН ҲИКОЯТИ

Эшак билан маймун ўзаро суҳбат қуриб, ўз тақдирларидан нолир эдилар. Эшак шохи йўқлигидан маҳзун бўлса, маймун думсизлигидан ғамгин эди. Бундан хабардор бўлган кўрсичқон уларнинг олдига келиб деди:

—Эй ёронлар, бўлар-бўлмасга ғам чекаверманглар, борига шукр қилинглар. Кўрсичқон ҳоли сизникидан яхши эмас!

Кимки риёкорликни одат қилиб, ширин-шакар сўзлар билан оғзини қанча тўлдирмасин, куни келиб унинг сири юриш-туришидан ошкор бўлади. Бу ҳақда қуйидаги ҳикоятни келтирадилар.

БЎРИ, ОНА ЭЧКИ ВА УНИНГ БОЛАЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯТ

Она эчки чиқиб кетаётиб болаларига уй эшигини ҳеч кимга очмаслигини қаттиқ тайинлади. Она эчки кўздан йўқолгач, бир бўри эшик олдига келиб, эчки болаларига овозини ўзгартириб деди:

—Ҳой эчкилар, эшикни очинг, мен онангизман!

Эчки болалари чувиллашиб:

—Соқолингизни кўрсатинг, соқолингиз бўлса очамиз!—деб бақиришди.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ МАЗМУНЛИ ДАМ ОЛИШАДИ

БОЛАЖОНЛАРИМИЗНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН БАРКАМОЛ, АҚЛ-ИДРОКИ ЕТУК ИНСОНЛАР БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИ УЧУН ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИЯТИ ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ОҚИЛОНА ВА ОДИЛОНА СИЁСАТНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИДИР. МЕҲНАТКАШЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ДАМ ОЛДИРИШ ҲАМДА СОҒЛОМЛАШТИРИШ КАСАБА УЮШМА ФАОЛИЯТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН ҲИСОБЛАНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 майдаги мажлиси баёни қарорига, Тошкент шаҳар ҳокими ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг қўшма қарорига биноан мактаб ўқувчиларининг ёзги таътили кунларида болаларни соғломлаштириш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг июнь-август ойларида шаҳар ташқарисидаги гўзал табиат бағридаги 27 та стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 31 минг 36 нафар шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидан 2500 нафар ва пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган 32 та кундузги оромгоҳларда 11 минг 467 нафар, жами бўлиб, 42 минг 503 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган. Юқорида баён этилган ҳужжатларга мувофиқ, барча 59 та болалар соғломлаштириш оромгоҳларида таъмирлаш-тиклаш ишлари якунланиб, улар раҳбар кадрлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар , тарбиячилар ҳамда етакчилар билан таркиб топтирилган.

Айтиш лозимки, жорий йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан, касаба уюшма томонидан ёзги мавсумда Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзандларидан иборат жами бўлиб, 1764 нафар бола табиатнинг сўлим гўшаларидаги оромгоҳларда бепул соғломлаштирилади. Оромгоҳ—болаларнинг дам олиш маскани бўлиши билан биргаликда, турли спорт-соғломлаштириш тадбирлари уларни жисмонан соғлом, кучли, иродали қилиб вояга етишига ва моҳир қўллар тўгарагидаги машғулотлар меҳнатга, санъатга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади. Ватанга муҳаббат, ўтмишга ҳурмат, келажакка ишонч ва умуминсоний ҳамда миллий қадриятларни эъзозлаш руҳидаги маданий-маърифий тадбирлар болаларни муносиб фарзанд, меҳр-оқибатли инсон бўлиб камолга етишида муҳим омил бўлади.

Болалар оромгоҳларда дўстлар орттирадилар, турли тўгараклардаги машғулотлар келгусида уларни эл-юртга нафи тегадиган инсон, касб соҳиби, ҳунар эгаси бўлиб етишишига замин ҳозирлаши шак-шубҳасиздир. Халқимизда " Ёшликда олинган билим тошга ўйилгандек мустаҳкам бўлади", деб бежиз айтилмаган. Бу эзгу ниятнинг амалга ошиши албатта, оромгоҳ жамоасида меҳнат қилаётган тарбиячилар, тўгарак раҳбарлари, етакчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан бирга болажонларнинг вақтдан унумли фойдаланишларига, таътилни мазмунли ўтказишга интилишларига, тиришқоқликларига ҳам боғликдир.

Файрат ЗУНУНОВ,
Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раисининг ўринбосари

Тошкент шаҳар ҳокимияти Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси шаҳар Кенгаши томонидан ўзаро ҳамкорликда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурини бажариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, спортнинг оммавийлигини оширишга эътибор қаратилмоқда.

Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида пойтахтимиздаги 11 та туман тиббиёт бирлашмалари ва республика соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари жамоаларидаги 300 нафарга яқин спортчи иштирокида енгил атлетиканинг 100 метрга югуриш, жойидан туриб сакраш, шахмат-шашка, стол тенниси, арқон тортиш каби турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Туман спартакиадалари айниқса, Яккасарой, Мирзо Улуғбек, Учтепа, Миробод туманларида юксак даражада ташкил этилиб, тармоқ ходимларининг фаол иштирокида ўтказилади. Спартакиада натижалари бўйича Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Ҳамза, Сергели, Яккасарой туманлари вакиллари ғолиб деб топилиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

Спартакиада қатнашчиларига Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрининг санъаткорлари ижросида концерт дастури ва саҳна асарларидан парчалар намойиш этилди.

Тармоқдаги ҳар бир муассаса, ташкилотларда ишлаб чиқариш гимнастикаси ташкил этилиб, бош шифокордан бошлаб кичик тиббиёт ходимигача унда иштирок этмоқда. Талабалар ўртасида эса "2006 йил — спорт баҳори" уч кунлик, бир ҳафталик спорт шоулари бўлиб ўтди.

Тошкент педиатрия-тиббиёт институти, Тошкент Тиббиёт академияси, академиянинг клиникалари, Нейрохирургия, ортопедия ва травматология илмий-текшириш институтлари, Республика онкология илмий маркази, Республика тез тиббий ёрдам илмий Марказида волейбол, футбол, мини-футбол, стол тенниси, сузиш бўйича мусобақалар ўтказилди. Муҳими, ғалаба қозонишгина эмас, фаол қатнашиш, соғлиқни мустаҳкамлаш, спортнинг оммавийлигини ошириш бўлиб, спортнинг турмуш тарзига айланиб бораётганлиги эътиборга лойиқдир.

Гавҳар ИСЛОМОВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси шаҳар Кенгашининг раиси

СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

МЕҲНАТКАШЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТНИНГ ОММАВИЙЛИГИНИ ОШИРИШ ҲАМДА КУНДАЛИК ТУРМУШ ТАРЗИГА АЙЛАНТИРИШ БОРАСИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ТОМОНИДАН МУАЙЯН ИШЛАР ҚИЛИНМОҚДА.





СЎЛИМ ГЎШАЛАР ЧОРЛАЙДИ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЁЗГИ ДАМ ОЛИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ЎЗИГА ХОС ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ КЎРИЛДИ.

2006 йил ёзги соғломлаштириш мавсумида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидаги 11 та туман таълим муассасалари касаба уюшма кенгашлари билан ҳамкорликда 32 та ўрта таълим мактабларида кундузги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилиб мазкур оромгоҳларда мавсум мобайнида 11527 нафар ўқувчилар дам оладилар. Оромгоҳларда дам олувчиларга хизмат қилувчи ходимлар ва раҳбарлар таркиби шакллантирилиб, улар ўз фаолиятининг йўналиши бўйича маълум тайёргарлик синовларидан ўтказилди. Кундузги оромгоҳлар таъмирланиб, дид билан жиҳозланди, мазкур оромгоҳларнинг раҳбарлари учун ишни ташкил этишга йўналтирилган ўқув дастури асосида машғулотлар ўтказилди. Шунингдек, «Лочин» болалар соғломлаштириш оромгоҳида тармоқли меҳнат қилаётган зиё аҳлининг фарзандлари соғлиқларини мустаҳкамлайдилар. 2006 йил соғломлаштириш мавсумида 1050 нафар ўқувчиларнинг ҳордиқ чиқаришлари режалаштирилган.

Соғломлаштириш мавсумининг тўртинчи навбатида оромгоҳда қорақалпоқ меҳнаткашларининг 350 нафар фарзандлари соғломлаштирилади. Спорт ўйинлари майдончалари, сузиш ҳавзалари, кутубхоналар, спорт ҳамда санъат соҳасидаги моҳир қўллар тўгаракларида болалар шуғулланиб, соғлиқларини мустаҳкамлайдилар, қизиқишларини бўйича истеъдодларини намойиш этадилар. Ёзги соғломлаштириш мавсумини мароқли ўтказиш мақсадида маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, кўриктанловларни ўтказиш режалаштирилган. Азиз болаларнинг мазмунли ва мароқли дам олиши учун барча имкониятлардан оқилона фойдаланиб, белгиланган вазифаларни ҳаётга изчиллик билан татбиқ этамиз.

Тоибахон АКРАМОВА,
таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси

«АЛГОРИТМ»:

АНЪАНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЁЗНИНГ ЖАЗИРАМА ИССИҚ КУНЛАРИДА ТАБИАТНИНГ СЎЛИМ ГЎШАЛАРИДАГИ САЛҚИН, ГЎЗАЛ ОРОМГОҲЛАРДА МИРИҚИБ ДАМ ОЛИШНИ АЗИЗ БОЛАЛАР СЕВАДИЛАР. БУ БЕЖИЗ ЭМАС. ОРОМГОҲДА БОЛАЛАРНИНГ МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, АЙНИҚСА, СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТАДБИРЛАРИ, СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ЗАВҚ-ШАВҚ БИЛАН ДАМ ОЛИБ, СОҒЛИҚНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Болаларнинг севимли дам олиш масканларидан бўлган «Алгоритм» соғломлаштириш оромгоҳида бу борада қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда бу ерда 1992-1993 йилларда туғилган қизлар ўртасида анъанавий волейбол турнири бўлиб ўтди. Мазкур оромгоҳнинг «Алгоритм», Наманган, Хоразм вилоятларидан келган, ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари болалар-ўсмирлар 6-спорт мактаби вакилларидан иборат жамоалар иштирок этган мусобақа ҳаяжонли дақиқага бой тарзда кечиб, барчага завқ-шавқ улашди. «Алгоритм» жамоаси турнирда ўн биринчи маротаба ғолиб чиқиб, зафарли юришини давом эттирди. Наманган вилоятидан келган абжир қизлар фахрли иккинчи ўринни эгалладилар.

Бўлажак олимпиячи — ёш спортчи қизларга эса фахрли учинчи ўрин насиб этди. «Алгоритм» жамоаси вакиласи Лола Арслонбекова турнирнинг энг яхши ўйинчиси деб топилди.

Мазкур турнир ҳақида волейбол бўйича истеъдодини жаҳонга намойиш этган таниқли спортчи, икки маротаба Олимпиада ғолиби, Ўзбекистон Миллий олимпиада қўмитаси вице-президенти, республика волейбол ассоциацияси вице-президенти, Ўзбекистон Олимпиада чемпионлари ассоциациясининг президенти Вера Дуюнова фикрларини қуйидагича баён этди: «Алгоритм» жамоасининг қизлари мамлакат бўйича шу ёшда жуда кучли бўлиб, улар Ватанимиз терма жамоасига муносиб номзодлар сифатида камол топмоқдалар. Ушбу мусобақа икки даврада, юқори савияда ўтди. Наманган, Хоразм вилоятларидан келган қизларнинг бўйбасти унчалик баланд бўлмаса-да уларнинг бўйдор рақибларига



қарши маҳорат билан ўйнай билиши мени ғоят қувонтирди. Бу мусобақалар республика бўйича волейболни тарғиб қилишга, моҳир спортчиларни тайёрлашга, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга хизмат қилади. Энг муҳими, «Алгоритм» жамоаси 14-24 июлда Москвада бўлиб ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатларининг спорт фестивалида иштирок этишга таклиф этилган».

— Болаларнинг беғубор табассуми, завқ-шавқ билан мусобақалардаги иштироки, катталарга ўзбекона ҳурмат билан муносабатда бўлаётганликлари янада самарали ишлаш учун кишига куч-қувват бағишлайди,—дейди оромгоҳ бошлиғи Йўлчибой Раҳимжонов.

Улуғбек ПЎЛАТОВ

Сўранг, жавоб берамиз

ФИНЛАР БОШҚАРАЁТГАН РЎЙХАТ

Ҳар ўн минг аҳолига тадқиқотчи олимлар сони бўйича Финландия давлати биринчи ўринда тураркан. Бу нимани билдиради?

Эркин Усмонов,
Шайхонтоҳур тумани.

Илмий тадқиқотлар халқаро маркази маълумотларига кўра, АҚШда бевосита илмий тадқиқотлар олиб борувчи олимлар сони 1 миллион 261 минг кишини ташкил этади. Японияда улар сони 646 минг кишидан иборат. Россияда эса, бевосита илм билан шуғулланувчилар сони 491 минг кишидан иборат бўлиб, уларга хизмат кўрсатувчилар билан қўшиб ҳисоблаганда, фан соҳасида 840 минг киши ишларкан.

Юқорида келтирилганидек, ҳақиқатан ҳам аҳоли жон бошига иқтисодиёт соҳасида ишловчи олимлар сони бўйича Финляндия биринчи ўринда туради. Ҳар ўн минг аҳолига бу мамлакатда 164 олим тўғри келади. Японияда бу кўрсаткич 99 кишини, АҚШда 86, Россияда 75, Туркияда 11 ва Мексикада 6 кишини ташкил этади. Албатта, мамлакат илмий салоҳияти унинг халқи турмуш даражасининг юқори бўлишига олиб келади.

БИЛИМДОНЛАР ҚАЕРЛАРДА ИШЛАШАДИ?

Россия телеканали орқали бериладиган "Нима? Қачон? Қаерда?" кўрсатувида қатнашавериб, машҳур бўлиб кетган билимдонлар, масалан, тўрт карра "Биллур бойқуш" совриндори Александр Друз ва бошқалар қаерларда ишлашаркин? Ёки ўша телеўйинлар уларнинг асосий машғулотларига айланиб қолганми?

Суйима Каримова,
Собир Раҳимов тумани.

— Ҳар қандай ўйин ўйинлигича қолади,- дея изоҳ беради магистр Александр Друз,- унинг ўзи билан тирикчилик ўтмайди. Ҳар бир билимдоннинг ўз суйган касби – иши бор. Шахсан мен "Олтин бузоқча" Питер телекомпанияси дастурлар рахбари лавозимида ишлайман.

Александр Друзнинг қизлари Инна ва Мариналар ҳам "Нима? Қачон? Қаерда?" телеўйинларида вақт-вақти билан пайдо бўлиб туришади. Улар ҳам барча тенгдошларидай ўз севган машғулотларига эга. Жумладан, Инна Санкт-Петербург иқтисодиёт ва молия университетини тугатган, ҳозир аспирантурада ўқиш билан бирга, Питернинг йирик банкларидан бирида ишлайди. Марина эса, шу университетнинг сўнгги курсида таҳсил олмоқда.

"Нима? Қачон? Қаерда?" телеўйинининг иккинчи магистри Максим Поташёв "касперский лабораториялари" таҳлилий марказининг менежери. Марказ вирусга қарши дастурлар ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Билимдонлардан Равшан Аскеров «Спорт-экспресс" шарҳловчиси, Борис Бурда Украина телевидениеси пазандачилик ҳақидаги дастурининг етакчи олиб борувчиси, Сергей Царков Олег Ефремов жамғармаси вице-президенти, тадбиркор. Хуллас, ҳар кимнинг ўз иши бор.

Болалар спорти

«ЮЛДУЗЛАР» МАКТАБИНИНГ ИБРАТЛИ ФАОЛИЯТИ





2005 ЙИЛ СЕНТЯБРЬ ОЙИДА МИРОБОД ТУМАНИДАГИ 14-СОНЛИ ИХТИСОСЛАШГАН БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ОЛИМПИЯ ЗАҲИРАЛАРИ СПОРТ МАКТАБИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ ВА УНГА ГЕРМАНИЯНИНГ ЖАҲОНГА МАШҲУР «GYMNOVA» ГИМНАСТИК ЖИҲОЗЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОМПАНИЯСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАРИ СОТИБ ОЛИНДИ. ЯНГИЧА ЮЗ ОЧГАН СПОРТ МАКТАБИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ ЭСА ЎШАНДА ҲАҚИҚИЙ ЮЛДУЗЛАР КАРНАВАЛИГА АЙЛАНИБ КЕТГАНДИ.

Эътибор қилинг, очилиш маросимида спорт гимнастикасининг бетакрор «қироличаси» Оксана Чусовитина бошлиқ спорт гимнастикаси юлдузлари, жумладан, икки карра Олимпиада чемпиони, жаҳон ва Европа чемпионати ғолиби Лилия Подкапаева (Украина), Олимпиада ва жаҳон чемпиони Алексей Бондаренко (Россия), жаҳон чемпиони, Олимпия ўйинлари совриндори Людмила Принц (Латвия), Олимпиада ва Европа чемпиони Лиза Брюггеман (Германия)-лар иҳтисодидаги «Мастер-класс» кўргазмали чиқишлари барчага ҳис-ҳаяжон улашган эди.

Бугунги кунда замонавий жиҳозлар билан таъминланган мазкур спорт мактаби мамлакатимиз гимнастикачиларининг айниқса, спорт гимнастикаси усталарининг энг кўп мусобақалашадиган, таъбир жоиз бўлса, терма жамоамизнинг халқаро мусобақаларга тайёрланадиган машғулотлар масканига айланди. Таъкидлаш жоиз, Мустақиллик берган неъматларнинг ёрқин ифодаси бўлмиш, мактабдаги замонавий гимнастик жиҳозлар Марказий Осиёда ягона. Фақатгина «**GYMNOVA**»нинг бир туркум жиҳозлари Фарғонадаги спорт мактабига ҳам ўрнатилган. Шу боисданми, бу ерга тез-тез қўшни Қозоғистон Республикасидан ҳам терма жамоа ўз машғулотларини ўтказиш учун ташриф буюради. Сўзимизнинг исботи сифатида февраль ойида Қозоғистонда хизмат кўрсатган мураббий Галина Долгофолова бошлиқ спорт гимнастикачиларнинг юртимизда бўлгани-ю, ўқув-машғулот йиғинлари, ўртоқлик учрашувлари ўтказишганини айтишимиз мумкин...



Яқиндагина эса спорт гимнастикаси бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги, бир оздан сўнг, болалар ва ўсмирлар, шунингдек катталар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионати мезбонлигини ҳам шу спорт мактаби ўз зиммасига олди. Қорақалпоғистон, Самарқанд, Қашқадарё вилоятидан бир гуруҳ спортчи ва мураббийлар жамоаси келиб, бу ерда ўз ўқув-машғулот йиғинларини ўтказдилар. Қувонарлиси, спорт мактабида шуғулланувчи ўғил-қизлар учун инглиз, немис тилларини ўрганиш, компьютер сабоқларини олиш, Интернетдан фойдаланиш хизматлари ташкил қилинган ва уларнинг барчаси бепул.

Шунингдек, мактабнинг изланувчан раҳбари, ўзбек, юнон-рум курашининг кучли спортчиларидан Баҳодир Қурбонов спортсевар ёшларга қулайлик яратиш мақсадида 14-ИБЎОЗСМда волейбол, баскетбол, гандбол, мини-футбол тўгаракларини ҳам ташкил этиш бўйича иш олиб бормоқда. Бу борада спорт мактабига қўшни бўлган 83-ўрта мактаб спорт зали ҳамда яқиндагина Миробод тумани ХТБ томонидан 14-ИБЎОЗСМ мактабига фойдаланиш учун берилган 187-мактаб спорт залидан ҳам фойдаланилади. Бу ҳақда Баҳодир Қурбонов шундай ҳикоя қилади.

— 187-ўрта мактабда 800 га яқин ўқувчи таҳсил олади, бироқ мактаб ёнида ихтисослашган спорт мактаби йўқ. Биз ушбу мактаб залида спорт гимнастикаси, шахмат-шашка, теннис ва бошқа спорт турлари бўйича тўгараклар очмоқчимиз. Ниятимиз, мактаб ўқувчилари ҳамда мактаб атрофидаги маҳалла ўғил-қизлари учун спорт билан шуғулланишга шарт-шароитлар яратиш. Айни чоғда 187-ўрта мактаб залида таъмирлаш ишлари бошланмоқда.

Акмал АБДИЕВ,
Дилмурод ИСМОИЛОВ

СУРАТЛАРДА: спорт тўгаракларида машғулотлар қизғин.

Ҳукм ўқилди

ҚИЛМИШИГА ЯРАША ЖАЗО ОЛДИ

ҲАМИДА ОЛДИНГИ ТУРМУШ ЎРТОҒИДАН ИККИ НАФАР ФАРЗАНДИ БИЛАН АЖРАШГАНИДА ҲАЁТ СИНОВЛАРИ ОЛДИДА ДОВДИРАБ ҚОЛИШИНИ ХАЁЛИГА ҲАМ КЕЛТИРМАГАНДИ. БИРОҚ ЙИЛЛАР ЎТИБ ЖИДДИЙ ХАТОГА ЙЎЛ ҚЎЙГАНИНИ, ЁШЛИКНИНГ ЎТКИНЧИ ҲИСЛАРИГА АСИРА БЎЛГАНИНИ АНГЛАБ ЕТДИ. БУ ЁҚДА ЭСА ФАРЗАНДЛАРИ ОТА ТАРБИЯСИДАН МОСУВО ЎСА БОШЛАДИ...

Ёлворганни Худо сийлайди деганларидек, ҳаёт заҳматларидан толиққан навжувон қадди-басти энди дол бўла бошлаган пайтларида яқин таниши Ботир (исми-шарифи ўзгартирилди)дан совчи келдию, ўйлаб ўтирмай турмушга чиқди. Тез орада уйига барака кирди. Энди у бозорма-бозор юриб, пиширик сотмайди. Фарзандларининг усти бут, қорни тўқ. Бир томондан Ботир фарзандларини ҳеч нарсага муҳтож қилиб қўймайдиган, биноийдек оила бошлиғи чиқиб қолди. Аммо сахти-сумбати тол хивичдек озғин, олазарак кўзлари ён-атрофга бежо боқадиган нигоҳларда яхшилик зуҳур этмаслигини Ҳамида хаёлининг кўчасига ҳам келтира олмаган эди. Қолаверса, бу яхшиликлар замирида қандай мақсад ётгани қоронғу эди.

Ўша куни Ҳамида синглисининг уйига кетди. Замира қўнғироқ қилиб, бир кеча ётиб кетишини илтимос қилганди. Тихирлик қилмай кўна қолди. Лекин бўйи чўзилиб қолган қизининг уйда ёлғиз (!) қолаётганини ўйламади ҳам. Ақида дарсдан келгач укасининг кийимларини ювди, тайёрларини дазмоллади, овқат қилди. Кеч тушгач телевизор кўра бошлади. Одатда у ўзининг кутилмаган қувноқликлари билан оиласидагиларни кулдирарди. Бироқ у бугун ўз одатига қарши ўлароқ на кулар, на бир шўхлик қилгиси келарди. Негадир кўнгли хижил тортиб, қуюндай ёпирилиб келаётган ғалати ҳисдан аранг нафас оларди. Бу ёғи укасининг уйга қайтмаётгани юрагида липиллаб ёнаётган хижилликни янада аланга олдирарди.

Шу пайтда эшик қўнғироғи жиринглади. Ақида шоша-пиша эшикни очди. Не ҳолки остонада ширакайф кўзлари сузилганича Ботир турарди.

— Онанг қаерда? — деди у гандираклаганича.

— Холамникига кетди. Бугун келмасакан... Овқат ичасизми?

— Уканг қаерда?

— Ўқишидан келмади ҳали...

Очиғини айтганда Ақида кейинги пайтларда доим бадмаст юрадиган, ўзининг ғайритабиий хатти-ҳаракати билан кишида жирканч таассурот қолдирадиган Ботирдан негадир ҳайиқа бошлаганди. Ич-ичида онасининг шу инсонга турмушга чиққанидан руҳи ловиллаб турарди. Донишмандлардан бири ниҳоятда топиб айтган: «Яхшиликни чеҳралари очиқ, хулқи зийнатли, хушрўй инсонлардан кутинглар», дея. Ақиданинг кўнгли бекорга безовта бўлмаган эди. Ёшгина маъсума қизнинг жавдираб турган кўзлари ўгай отада меҳр эмас, жирканч, одамийликдан йироқ ниятни уйғотди. Ақида ҳайвоний ҳирси бутун вужудини чулғаб олган Ботирнинг чангалидан қутула олмади...

Орадан кўп ўтмай у ўзини беҳол сеза бошлади. Содир бўлган кўргилик ҳақида ҳатто онасига ҳам чурқ эта олмади. Турмушлари бузилиб, яна сарсон-саргардонликда қолишни истамади. Аммо яширганинг сари иситмаси ошкор этади деганларидек, Ақидани кўрикдан ўтказган Республика шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш илмий марказининг №481-сонли маълумотномасида, суд-тиббий экспертизасининг 2005 йил 16 декабрдаги №139-сонли хулосаларида Ақиданинг ҳомиласи 19-20 ҳафталик эканлиги ўз исботини топди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судлов ҳайъати ушбу қабиҳ иш билан боғлиқ бўлган барча тафсилотларни кўриб чиқиб, айблануvчи Б.Исмоиловни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 118-моддасининг 4-қисми билан 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Жиноятчи содир этган қалтабинлиги, ҳайвоний ҳирсга мойиллиги учун жазосини олади. Бу — муқаррар! Бироқ ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган тақдири ҳазон япроғидек сарғайган Ақиданинг кейинги ҳаёти ҳақида ўйлаш ҳар қандай тошюрак инсонни ҳам мушоҳадага чорлаши табиий деб ўйлаймиз. Мақола муаллифлари дастлаб ўзбекона андишага бориб, «уйдаги гапни кўчага чиқариш шартмикан», деган хаёлга ҳам боришди. Бироқ баъзи йўлдан адашган инсонларга ибрат кўзгуси бўлар деган мақсадда ушбу суд очерки битилди.

Файзулла ОТАБОЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси
Хидирали ПАНЖИЕВ,
журналист

Гиёвандлик — иллат

САЛОМАТЛИК КУШАНДАСИ

БУГУНГИ КУНДА ИНСОНИЯТ БОШИГА ТУРЛИ БАЛОЮ ОФАТЛАРНИ СОЛАЁТГАН, АСР ВАБОСИ ҲИСОБЛАНГАН ГИЁВАНДЛИККА ҚАРШИ БУТУН ДУНЁДА КЕСКИН КУРАШ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам турли ташкилотлар билан ҳамкорликда оқ ажал оғусини йўқ қилишнинг барча чоралари қўлланмоқда. Куни кеча Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, халқаро ташкилотлар вакиллари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида 700 килограмм гиёванд модда йўқ қилинди.

Маълумки, юртимизда гиёвандликка қарши курашиш юзасидан ҳуқуқий база яратилган. 1994 йилнинг май ойида биринчи марта 14 тонна гиёванд модда ёқиб юборилган эди. Республикамизда ишлаб чиқилган тадбирларга мувофиқ жиноий ишларда ашёвий далил сифатида олинган наркотик моддалар суд ҳукми кучга киргунидан кейин махсус ажратилган печларда ёқиб юборилади.

— Бу йигирманчи наркотик моддаларни ёқиш тадбиридир,— таъкидлашди Миллий хавфсизлик хизмати бош бошқармаси вакиллари. — Ҳозирги кунга келиб 38 тоннага яқин наркотик моддалар йўқ қилинди.

Қўлга олинаётган оқ оғу юртимиз ҳудудига асосан қўшни давлатлардан кириб келмоқда. Мисол учун Миллий хавфсизлик хизмати мутахассислари Сурхондарё вилоятининг Денов туманидан 60 килограммдан ортиқ героин моддасини ушлаган бўлсалар, Ички ишлар вазирлиги ходимлари Тошкент вилоятининг Чиноз туманида 10 килограммга яқин героин моддасини сотаётган жиноятчиларни қўлга олишган.

— Уюшган гуруҳлардан 600 килограммга яқин турли гиёванд моддалари далилий ашё сифатида олинди, — дейди Республика ИИВ Матбуот маркази бошлиғи вазифасини бажарувчи Рустам Ёдгоров. — Уларнинг 200 килограммдан ортиғи героин, 340 килограммга яқини опий ва қолгани бошқа гиёванд моддаларни ташкил этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб «Қорадори — 2006» тадбирининг биринчи босқичи амалга оширилмоқда. Ана шу тадбир давомида тарқибида гиёванд моддалар бўлган ўсимликларни етиштириш билан боғлиқ 600 тага яқин ҳолат аниқланиб, 10 минг квадрат метрдан ортиқ майдондаги ўсимлик йўқ қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги наркотик моддаларни назорат қилиш Миллий марказидан олинган маълумотларга кўра, ўтган йилда гиёванд моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар сони 2004 йилга нисбатан икки фоизга камайган. Гиёванд моддаларни назорат қилиш борасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш жараёнида Ўзбекистон БМТ наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш бошқармасининг саккизта техник ҳамкорлик лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишда назорат ва мувофиқлаштириш ишларини амалга оширмоқда. Мазкур лойиҳалар доирасида қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда, гиёвандликнинг олдини олишга бағишланган учрашувлар, семинар-тренинглар ўтказилмоқда. 2004 йилнинг 1 октябридан 2005 йилнинг 31 мартига қадар ўтказилган «Тўсиқ—2» операцияси давомида 2 тонна, 422 килограмм героин, 1 тонна, 24 килограмм опий ва 1 килограмм кокаин каби гиёванд моддалар мусодара этилиб, йўқ қилинди...

Бугунги кунга келиб оқ оғу ўз домига кўплаб одамларни тортиб олмоқда. Хусусан бутун ер юзида 3 миллиондан ортиқ одамлар гиёвандлик касалидан азият чекмоқда. Демак бундан шундай хулоса қилиш мумкин. Гиёвандлик — бу бир давлат ҳудудида ҳал қилинадиган муаммо эмас. Экспертларнинг фикрича, ҳамкорлик биринчи масала бўлса, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кенг қамровда олиб бориш энг самарали усуллардан ҳисобланади.

Демакки, бутун инсоният бошига турли балою офатларнинг тушишига сабаб бўлувчи гиёвандлик балосига биргаликда ақл билан, ҳамкору ҳамфикрликда курашмоқ лозим.

Шаҳризода МУҲСИМОВА

Футбол

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

ЖОРИЙ ЙИЛГИ ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИНИ ШАҲРИМИЗНИНГ ЕТАКЧИ ЖАМОАСИ «ПАХТАКОР» ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ.

Гап шундаки, Ўзбекистон футбол федерацияси Низомига кўра мамлакат чемпионлигини қўлга киритган жамоа Кубок беллашувларида чорак финал баҳсларида иштирок эта бошлайди. Шу боис ҳам мамлакат чемпиони ҳисобланмиш «Пахтакор» биллур соврин учун баҳсларни куни кеча уюштирилган чорак финал беллашувларидан бошлади.

Бекободда «Металлург» жамоаси меҳмони бўлган пахтакорчиларга рақибларини мағлуб этиш қийин кечмади. Сабаби, мезбонлардан анча маҳоратли бўлган тошкентлик футболчилар мухлислари кўнглини шод этишди. Пахтакорчиларнинг тўлиқ устунлиги остида кечган беллашув тошкентликларнинг 4:1 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Дарвозаларга голларни «Металлург»дан К.Мурзаев (пенальти), «Пахтакор»дан С.Абдуллаев, У.Ихороуме (2 та), Тожиевлар йўллашга муваффақ бўлишди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Шўртан» — «Нефтчи» — 1:1, «Машъал» — «Бухоро» — 4:1.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарига малакали саҳифаловчи (вёрсткачи) керак. 133-08-74 телефонига қўнғироқ қилинг.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 24-умумтаълим мактаб томонидан 2006 йилда Наримов Ботир Закирджонович номига берилган O"R-SH №0530370 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 212-хона.

Мунажжим башорати

ТАНЛАШ ИХТИЁРИ БЕРИЛАДИ

30 ИЮНЬ, ЖУМА

ТАВАККЛЧИЛИК ҚИЛИШ, ЯНГИ ИШЛАРГА ҚЎЛ УРИШ МУМКИН. ЛЕКИН БЕИСТИСНО ТАШҚИ ҲОДИСАЛАР БИЗНИНГ ҲАРАКАТЛАРИМИЗГА ЎЗ ТАЪСИРИНИ ЎТКАЗАДИ. ШУ БИЛАН БИРГА, ЎЗ МАНФААТЛАРИМИЗ ВА ОЛДИМИЗГА ҚЎЙГАН ВАЗИФАЛАРИМИЗДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ИШ ТУТИШ ИХТИЁРИ ЎЗИМИЗДА БЎЛАДИ.

Барқарор моддий аҳволга эга бўлиш истаги бизни ҳал этилмаган муаммоларимизга рўпара қилади, олган ҳаёт сабоқларимизни яна бир бор синашга мажбур этади. Ғайритабиий ечимлар, ташаббус ва янгича қарашлар керак бўлади. Қандайдир анъаналаримиз, маънавий тирғакларимизни ўзгартиришга тўғри келади. Уйда тўпланиб қолган кераксиз эскитуски нарса ва буюмлардан халос бўлиш керак.

Ой сайёрасининг Паризод буржида бўлиши кўпчилик кишилар эътиборини ҳар турли майда-чуйдалар билан чалғитиб қўяди. Нептуннинг Зухро ва Меркурийга нисбатан ортиб борадиган мухолифчилик муносабати шароитида алдовлар ва ўз-ўзини алдашларга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам бу галги жума куни астрологик жиҳатдан осойишта кун ҳисобланса-да, мунажжимлар бу кунни омадли кунлар қаторига қўшишдан ўзларини тиядилар. Эртанги омадсизликларга бугун замин яратилиши эҳтимоли кўпроқ, дея баҳо беришади улар.

Ўткир тиғли металл буюм, айниқса пичоқ топиб олиш бугун омадингиз келиши аломати ҳисобланади. Уни қўлга олиб, ўрнига танга ташлаб кетиш керак.

Бугун кўрилган тушларга эътибор қилишнинг ҳожати йўқ – улар пуч бўлади.

Ошқозон-ичак йўлларини эҳтиёт қилинг. Аллергик хасталиклар ҳуруж қилиши эҳтимоли бор.

Кийим-кечаклардан қизил ва юлғун рангли либослар бугунги кун руҳига кўпроқ мос келади. Яшил ва барча "заҳар" ранг кийимларни бошқа кунларга асраб қўйинг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ «БОЖХОНА ЮК БАЁННОМАЛАРИНИ» (ГТД-1, ГТД-2, ДТС-1 ВА ДТС-1ДОП) ТАЙЁРЛАТИБ ХАРИД ЭТИШГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Мурожаат учун телефонлар: 120-76-60.

Коммутатор: 120-76-00, ички: 26-11, 26-08.

Таклифлар эълон матни чиққан кундан бошлаб 20 кун муддат ичида қабул қилинади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ҚУЙИДАГИ ЗИЧЛИКДА ЁЗУВ ҚОҒОЗЛАРИНИ ХАРИД ЭТИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

-формати А3 ва А4, зичлиги 70-80 грамм/М2

-формати А3 ва А4, зичлиги 115-250 грамм/М2

Мурожаат учун телефонлар:120-76-60.

Коммутатор: 120-76-00, ички: 26-11, 26-08.

Таклифлар эълон матни чиққан кундан бошлаб 30 кун муддат ичида қабул қилинади.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 806

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6